

ФУҚАРОЛАР ЖАМИЯТИ ШАКЛЛАНИШИДА ИЖТИМОИЙ ИНСТИТУТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17926049>

Кожагелдиев Абат Узакбаевич

с.ф.д (DSc).

Қорақалпоқ Давлат университети ижтимоий фанлар кафедраси доценти.

Резюме

Мақолада Фуқаролар жамияти шаклланишида ижтимоий институтларнинг аҳамияти ёритиб берилган. Ижтимоий институтлар демократик давлат аломатларидан бири бўлиб, фуқароларнинг давлат ва маҳаллий ҳамжамият ишларини бошқаришда иштирок этишларидаги ҳуқуқларини таъминлашнинг муҳим қафолати бўлиб хизмат қилиши ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар

Фуқаролик жамияти, демократик кадриятлар, маҳалла, халқ ҳокимияти, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш, қонуний эркинлик, халқ маданияти, жамоат тартиби, ҳуқуқий давлат, қадимий кадриятлар.

Фуқаролик жамиятини демократия асосида барпо этишда халқнинг маданиятини, менталитетини, кадриятларини, урф-одатларини инобатга олмасдан кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамиятини шакллантириб бўлмайди. Юртимизда ҳуқуқий демократик ислохотларда маҳалла институтларининг урни жуда аҳамиятлидир.

Маҳалла – фақат фуқаролар уртасидаги алоқаларни боғловчи восита сифатида эмас, балки инсоний кадриятларни, урф-одатларимизни сақлаб қолувчи бир сиёсий институт сифатида ҳам қаралади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки маҳалла, маҳаллий ўз – ўзини бошқаришнинг демократик тамойилларини ўз ичига олганлиги туфайли ўта эҳтиёткорона муносабатда бўлишни талаб этадиган муҳим тарихий кадрият ҳисобланади. Мустақиллик туфайли қайта дунёга келган маҳалла институтининг обрў – эътибори тобора ошиб бормоқда. Дарҳақиқат, бугун маҳалла халқ ҳокимиятининг бетакрор органи, демократиянинг ҳақийқий мактаби сифатида жамиятнинг бошланғич буғинига айланмоқда. Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилиниши билан маҳаллий бошқарувнинг миллий замонавий тизими аста-секин шакллана бошланди. Маҳаллий бошқарув органларини яратиш ва фаолият

кўрсатиши учун ташкилий, сиёсий-ҳуқуқий шароитларни таъминлаш мақсадида кўп ишлар амалга оширилди. Жаҳондаги ҳар қандай давлатнинг бутун демократик институтларидан энг қадимийси ва энг бой ҳамда шонли тарихга эга бўлган кишилар ҳаёти ибтидоий босқичидаги ўзини - ўзи бошқариш - бу маҳаллий ўзини ўзи бошқаришдир.

Ўзбекистонда мамлакат ҳудудий булинманинг давлат тузилиши билан бир қаторда маҳалла тизими ҳам жонланди. Шундай қилиб 1999 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниб, унинг 7 - моддасига мувофиқ маҳалланинг маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органи этиб белгиланди. Шу орқали Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуриш кўзда тутилган. Бугунги кунда Ўзбекистонда фуқаролик жамияти тушинчаси анъанавий “Маҳалла” тизимига нисбатан анча кенг булиб, хусусий сектор, давлат ташаббуслари, сиёсий кадриятлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа субъектларини ўз ичига олади. Давлатимиз ўз мустақиллигини эълон қилганининг илк кунлариданоқ демократия ва унинг кадриятларига мойиллигини намоён қилди. Албатта, демократия инсоният тарихи ва тамаддуннинг энг буюк кадриятидир. Бироқ, у интизом, миллий менталитет ва ҳаёт тарзини ҳисобга олишни кўзда тутди. Шунинг учун Ўзбекистоннинг биринчи президенти И.А. Каримов ҳаққоний таъкидлаганидек: «демократия бу нафақат назария ва сиёсий жараён, балки менталитет, анъаналар, маданиятнинг ўзига хос жиҳатлари, психология кабилар биргаликдаги халқнинг ҳаёт тарзидир. Демократия ғоясини эълон қилиш мумкин, сиёсатда демократиянинг юқоридан «тушириш» мумкин, бироқ бу билан демократия сиз билан бизнинг бугунги ҳаётимизга кириб қолмайди. Демократия жамият кадрияти, ҳар бир инсоннинг кадриятига айланиши лозим ҳамда бу бир вақтда юз берадиган ҳаракат эмас. Халқ маданиятида ўз ўрнини топмаган демократия ҳаёт тарзининг таркибий қисмига айлана олмайди. Бунинг учун узок давом этадиган тайёргарлик ва демократия тамойилларини ўзлаштириш лозим. Бунинг учун кўплаб давлатларга кўплаб авлодларнинг алмашуви талаб этилди»⁸. Бундан келиб чиқадики: **биринчидан**, давлатимиз демократиянинг умумий кадриятларига содиқ қолмоқда; **иккинчидан**, бу миллий манфаатлардан келиб чиқмоқда, унинг тўла ижобий, ижодий маънодаги ифодасига айланмоқда; **учинчидан**, Ғарбнинг барча демократия кадриятлари бизнинг ҳаётимизга сингиб, ижтимоий ҳагги-ҳаракатлар меъёрига айлана олмайди, ўзбек халқи маданияти томонидан ўзлаштира

⁸ И.А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: «Ўзбекистон», 1997. - 178 б.

олинмайди⁹. Фарб демократияси бутунлай бошқа шароитларда, синфий кураш баъзан мисли кўрилмаган, юксакликларга кўтарилган ва зиддиятлар фуқаролик уруши билан бирга кечган бошқача анъана ва маданият асосида шаклланган. Шунинг учун сиёсий жараёнларнинг субъектлари асосий қоида - демократияни экспорт қилиш, куч ишлатиш ёки оммабоп ваъдалар, шиорлар билан олиб кириш мумкин эмас, у халқ маданиятининг ажралмас қисми, кишиларнинг ҳаёт тарзи, халқнинг ўз манфаатларини рағбатлантириши учун менталитетга айланиши лозим эканлигини унутмасликлари зарур.

Фуқаролик жамияти мураккаб тузилишга эга, шу жумладан иқтисодий, оила, этник, ахлоқи, диний ва ҳуқуқий муносабатлар билан боғлиқ. Фуқаролик жамиятида давлат тузилмаларидан фарқли равишда вертикал (бўйсунуш) эмас, балки горизонтал муносабатлар – қонуний эркинлик ва тенг ҳуқуқли шериклар ўртасидаги рақобат ва ҳамжиҳатлик муносабатлари устун туради. Фуқаролик жамиятини замонавий тушуниш учун уни фақат давлат ҳокимиятига қарши туриш ва шунга мос равишда давлат манфаатларини амалга ошириш соҳасидагина ифодалаш етарли эмас. Фуқаролик жамияти шаклланиши учун қуйидаги шартлар зарур:

- шахснинг индивидуал эркинлиги ва мустақиллиги кафолатлари. Бу энг муҳим шартдир, чунки агар эркинлик бўлмаса, фуқаролар томонидан жамоатчилик ташаббусининг мустақил кўриниши бўлмайди;

- шахсий мулк, ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчиликнинг кафолатлари. Фуқаролар ўз мулкидан фойдаланиши қонуний назоратга олинса, давлат ҳокимиятининг ҳаракатларини ҳеч қачон танқид қилмайди;

- демократик сиёсий тизимнинг давлат томонидан муҳофаза этилиши. Бу йул билан авторитаризм ва тоталитаризмга йўл қўйилмайди;

- халқ суверенитети (халқнинг сиёсатда ҳукмронлиги). Фуқаролик жамиятини шакллантириш учун халқ сиёсатга, масалан, референдум ёки сайловлар орқали таъсир ўтказиш имкониятини ҳис қилиши зарур;

- халқнинг устунлиги ва суверенитети;

- сўз эркинлиги ва жамоатчилик фикрини шакллантириш.

Фуқаролик жамияти асосларини яратишда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари муҳим ва етакчи роль уйнаши зарурлиги эътироф этилди. Шунинг учун ҳам бу органнинг ҳуқуқий ваколатлари тобора кучайиб бормоқда. Маҳалла жамоат тартибини таъминлаш, ёшлар ва ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, ёшларни ҳарбий хизматни ўташга жисмоний

⁹ А.Кожажелдиев – Сиёсий институтларнинг шаклланиши ва ривожланиши. Т – 2009, 28 – 30 б.

ва маънавий –рухий жихатдан таёрлаш каби ўта муҳим ва долзарб вазифаларни ҳам бажариш маъсулияти маҳаллага юклатилган. Маҳалла – асоишталик тамойили, таълим тарбия масканидир. Маҳалла –халоллик ва ростгуйликдан, меҳр-оқибат, тотувлик, меҳнатсеварлик ва ватанпарварликдан, саҳоват, одиллик ва бировларнинг ҳаққига хиёнат қилмасликдан кишиларга сабоқ берадиган улуғ муқаддас даргоҳдир¹⁰.

Мураккаб иқтисодий шароитда маҳалла фуқаролар йиғинлари халқ билан ишлаш, унинг дардини эшитиш, оилавий келишмовчиликлар, ишсизлик, маҳсулотлар тақчиллиги, аҳолининг чекланган миқдордаги озиқ-овқат маҳсулотларини ўз вақтида олишларини ташкил этиш, маҳалла аҳлидан тушадиган ҳар хил мурожаатларни ечиш, маҳаллалар ҳудудларини газлаштириш, ичимлик суви билан таъминлаш, телефон линияларини ўтказиш, маиший хизматнинг сартарошхона, нонвойхона, чойхона, ошхона, сабзавот ва гўшт дўконлари сингари турларини йўлга қўйиш, маҳалладаги тўй ва маъракаларни рўйхатга олиш, тартибли ўтказиш, маҳалла ҳудудида ободончилик ишларини йўлга қўйиш мақсадида шанбаликлар уюштириш, кўчат ўтказиш, кўкаламзорлаштириш, тозалик-озодалик ойликларини ўтказиш йўналишларида фаол иштирок этди. Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек "Маҳалла халқ билан давлат ўртасидаги кўприк бўлиши керак. Одамларнинг қувончу ташвишидан доимо хабардор бўлиш маҳалланинг асосий вазифасидир"¹¹.

1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида маҳалланинг ҳуқуқий мақоми белгиланди. Бу мамлакатимизда маҳаллий бошқарувнинг янги демократик тизимининг қарор топишига, аниқроғи, маҳалланинг ота-боболаримиз ақлу идроки билан яратилган асрий қадрият сифатида қайта тикланишига йўл очди. Маҳалла ўзини-ўзи бошқаришнинг ноёб шакли сифатида муҳим функцияни бажара бошлади. Давлат томонидан маҳаллани қўллаб-қувватлаш бўйича қатор чоратadbирлар амалга оширилди. Мустақилликнинг бошларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳалла” хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги 1992 йил 12 сентябрдаги Фармони, “Маҳалла” хайрия жамғармасига маблағ ажратиш тўғрисида”ги 1992 йил 8 октябрдаги Қарори катта сиёсий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлди. Ҳукумат дастлаб бюджет ҳисобидан 25 миллион сўм маблағ ажратди. Бу жойлардаги маҳаллалар

¹⁰Хужагелдиев А. фуқаролар асаосларини яратишда нодавлат, ноижорат ва ижтимоий ташкилотларнинг роли. Таълим тизимида ижтимоий – гуманитар фанлар. Илмий методологик услубий журнал. Т – 2009. 13 – 15 б.

¹¹ <https://sputniknews-uz.com/20170413/Shavkat-Mirziyoyev-mahalla-va-uning-vazifasi-haqida-gapirdi-5189965.html>.

ролини ошириш, улар фаолиятини такомиллаштириш учун қулай имкониятдир. Мамлакатда маҳалла комитетлари раислари ҳамда котибларига ойлик иш ҳақи белгиланди. Қисқа вақтда бу мақсадларга маҳаллий бюджетдан 10 миллион сўмга яқин маблағ ажратилди. 1993 йил 3 сентябрда “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. 1994 йил охирларига келиб республикада 12,4 мингта маҳалла шакллантирилди¹².

Ўзбекистонда оилага муносабат сўнгги йилларда кескин ўзгарди. Давлат томонидан оила фаровонлигини таъминлаш, оналик ва болаликни ишончли муҳофаза қилиш, хотин-қизларни ижтимоий мақомини ошириш, ёшларни кенг қўллаб-қувватлаш бўйича муҳим ўзгаришлар қилинди. Мамлакат тараққиётида оила муҳим аҳамиятга эга институтлардан биридир. Жамиятни ташкил этувчи асосий аҳоли қатламлари оила деб аталмиш демографик “иттифок” асосида бирлашадилар. Оилалар тараққиёти, улардаги турли ижтимоий гуруҳлар миқдори, ҳолати тўғрисида илмий тадқиқотлар олиб бориш бугунги глобаллашув жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Чунки, ҳар бир мамлакатнинг демографик кўрсаткичлари – аҳоли сонининг ортиши ва камайиши биринчи навбатда, оилаларга боғлиқдир. Авлодлар давомчиси бўлган она ва бола саломатлиги, уларнинг оилада бахтли ҳаёт кечириши ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган ислохотларнинг асосий йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5938-сон Фармониға мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилди. Ушбу фармон Ўзбекистонда маҳалла институтини яънада такомиллаштиришга имкон яратди. Вазирлик асосан юртимизда хотин-қизлар ва ёшлар масалалари бўйича янги иш тизимини жорий этиш, ҳар бир маҳалла, туман, шаҳар ва вилоят кесимида “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари”ни шакллантириш, бу орқали ёшлар ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини мутлақо янги даражага олиб чиқиш, уларни ижтимоий-ҳуқуқий ва психологик қўллаб-қувватлаш, касб-хунарға ўргатиш ва бандлигини таъминлаш вазифа этиб белгиланди. Мазкур вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида бугунги кунга қадар жорий йилнинг октябрь-ноябрь ойларида 28 та туман ва шаҳарда

¹² Мустақил Ўзбекистон тарихи. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Учинчи китоб. Тузувчилар Н.Жўраев., Т.Файзуллаев. –Т.: Шарқ, 2000. –Б. 116.

хотин-қизларнинг муаммолари ўрганилиб, шу асосда “Ёшлар дафтари”, “Аёллар дафтари” жорий этилди ва ишлаб чиқилган тизим асосида ҳокимликлар билан ҳамкорликда бир қатор ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда қолган туман ва шаҳарларда ҳам бу ишлар тизимли равишда амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, аҳолини турар жой билан таъминлаш, хусусан намунавий лойиҳалар асосида арзон уй-жойлар ва инфратузилма тармоқларини барпо этиш, кекса авлод вакилларини, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёрдам ва кўмакка муҳтож фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги ишлар ҳам ўрин олган¹³.

Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бўйича самарали ишларни ташкил этиш вазифаси секторлар бўйича ишлар модели ёрдамида ҳал этилмоқда. Ҳар бир сектор ҳокимият, прокуратура, ички ишлар органлари ва солиқ хизмати вакилларидан, яъни жойлардаги вазият ҳақида барча маълумотларга эга бўлган шахслардан ташкил топади. Бундай ёндашув куйи даражаларда ишларни йўлга қўйиш имконини беради, шунингдек, ҳар бир тумандаги фаолият учун сектор раҳбарининг шахсий масъулиятини оширади.

Худди Хитойдаги каби Ўзбекистонда ҳам «манзилли ёндашув» – ижтимоий ҳимоя тизимининг асосий элементларидан биридир. «Темир дафтар»даги оилаларни танлаш кўплаб мамлакатларда кенг тарқалган категориал баҳолаш усулига асосланади. Бунда аҳолининг айрим гуруҳларига ижтимоий ёрдамга муҳтож шахслар сифатида қаралади. Бизнинг ҳолатда «Темир дафтар»ни юритиш 5 та тоифадаги оилаларни назарда тутди: 1) эҳтиёжманд, ночор ва моддий кўмакка муҳтож оилалар; 2) ногиронлиги бўлган ва сурункали касалликка чалинган кишилар; 3) 5 ва ундан кўп фарзанди бор оилалар; 4) яқка-ёлғиз кексалар, бевалар ва ўзгалар қарамоғига муҳтожлар; 5) карантин чоралари натижасида ўзининг даромад манбаини йўқотган оилалар. Бугунги кунда «Темир дафтар»га киритишнинг асосий мезони – даромад ва ишлаб пул топиш воситаларининг мавжуд эмаслиги ҳамда меҳнатга лаёқатлилиқнинг чекланганидир¹⁴.

Республика бўйича 7 млн. 192 мингдан ортиқ хонадоннинг 300 мингга яқини (4,1 фоиз) эҳтиёжманд хонадон ҳисобланади. Ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжи катта бўлган оилаларни қўллаб-қувватлаш ҳар бир вилоят кесимида ўтказилди. Жумладан, Фарғона вилоятида 66 минг 845 та эҳтиёжманд

¹³Маматов Р. Янги Ўзбекистонда ҳар бир юртдошимизнинг турмуш фаровонлиги таъминланади // https://uza.uz/uz/posts/yangi-ozbekistonda-har-bir-yurtdoshimizning-turmush-farovonligi-taminlanadi_195973.

¹⁴Арипов Э. Ўзбекистонда ижтимоий сиёсат: тизимли «қайта юклаш» ва янги имкониятлар // <http://xs.uz/uzkr/post/ozbekistonda-izhtimoiy-siyosat-tizimli-qajta-yuklash-va-yangi-imkoniyatlar>

оилалар “Темир дафтар”ларга киритилган бўлиб, уларда 274 минг 819 нафар аҳоли истиқомат қилади. 2020 йил декабрь ойи ҳолатига кўра мазкур оилаларнинг 40 минг 415 таси ёки 60 фоизи ҳудудлардаги туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари қарорлари асосида эҳтиёжманд оилалар рўйхатидан чиқарилди. 47 минг 625 та оилалардаги 50 минг 799 нафар (97%) фуқаро ишга жойлаштирилди. Ёки Наманган вилояти бўйича 34 минг 761 та эҳтиёжманд оиланинг 47 минг 858 нафар меҳнатга лаёқатли аъзолари “Темир дафтар”га киритилган. 2020 йил декабрь ҳолатига кўра эҳтиёжманд оилаларнинг 27 минг 58 таси ёки 78 фоизи ҳудудлардаги туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари қарорлари асосида эҳтиёжманд оилалар рўйхатидан чиқарилди. 34 минг 761 та оиладаги 47 минг 797 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди. Бухоро вилоятида 2020 йил 1 декабрь ҳолатига жами 42 минг 756 та эҳтиёжманд оилалардаги 165 минг 925 нафар фуқаро “Темир дафтар”га киритилди. Камбағал оилалардаги меҳнатга лаёқатли ишсиз фуқароларнинг бандлиги таъминланганлиги натижасида 34 минг 616 та эҳтиёжманд оилаларнинг 138 минг 212 нафар фуқаролари Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари қарорлари асосида камбағаллар рўйхатидан чиқарилди¹⁵. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада кўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5938-сон Фармониға мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш вазирлиги ташкил этилди. Ушбу фармон Ўзбекистонда маҳалла институтини яънада такомиллаштиришига имкон яратмоқда.

Маҳалла давлатнинг мустақил институтларидан биридир. Бу аслида, давлатнинг аралашувисиз ва назоратсиз жамиятнинг мустақил ҳаётга тайёрлигидир. Давлат фуқаролик жамияти тузилмаларини йуққа чиқармайди ёки ўзлаштирмайди, балки уларнинг фаолияти эркинлигини химоя қилиш, фуқаролар ва уларнинг бирлашмалари ҳуқуқларини, шу жумладан, ҳукуматда иштирок этиш ҳуқуқларини кафолатлаш учун шарт-шароитлар яратилишини таъминлайди. У давлатга хизмат қилувчи ва унга ҳисобдор жамият эмас, балки давлатни жамият фаровонлигига йуналтирувчи бир восита сифатидаги институтдир. Бир томондан, фуқаролик жамияти давлатга қарама-қарши равишда кўплаб муаммоларни мустақил ва муайян

¹⁵Бухорода 8 минг 140 та оила “Темир дафтар”нинг янгиланган рўйхатиға киритилган // https://uza.uz/uz/posts/buxoroda-8-ming-140-ta-oila-temir-daftarning-yangilangan-royxatiga-kiritilgan_196015

холларда ҳал қила олади. Агар муаммони ҳал этиш давлат ёрдамини талаб қилса, бу муаммони фуқаролик жамияти институтлари орқали ўз органлари орқали ҳал қилувчи давлатга тақдим этиш, артикуляция қилиш келиб чиқади. Бошқа томондан, уларга бирлашган фуқаролик жамияти институтлари ва жисмоний шахслар ўз фаолиятларини мавжуд ҳуқуқий база чегараларида амалга оширадилар, давлат қонунларига риоя қиладилар, унинг ўрнини эгалламайдилар ва миллий мақсадларни амалга оширишда фаол иштирок этадилар.

Ҳозирги даврда маҳалла олиб бораётган ишларни икки асосий йўналишга бўлиш мумкин: **биринчи йўналиш** - бу маънавий вазифа бўлиб, у кўп асрлик тарихга эга ҳалқимизнинг энг қимматли ва нодир анъаналарини тиклаш ва ривожлантириш заруратидан иборат.

Иккинчи йўналиш – бу сиёсий вазифа, яъни маҳалла институтини замонавий талабларга мослаштириш ва маҳаллага вилоят, шаҳар, туман ҳокимиятларининг кўшмаб вазифа ва ҳуқуқларини юклатиш, ҳамда шу тарзда жамиятимиз ҳаёти учун янги ва ўта муҳим имкониятларни қўлга киритишдир¹⁶. Албатта, маҳаллаларга катта бошқарув ваколатлари берилаётганда уларнинг фуқаролар сиёсий фаоллигини ривожлантиришдаги роли ортиши кўзда тутилади. Чунки фуқаролар йиғинининг ҳуқуқлари етарли бўлмаса, улар ўзини ўзи бошқариш борасидаги функцияларини ижро эта олмайдилар. Яъни, маҳалла халқ ва давлат олдидаги масъулиятини ҳис этишдан аввал, улар олдин тегишли ҳуқуқларга эга бўлиши лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. И.А. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: «Ўзбекистон», 1997. - 178 б.
2. Маматов Р. Янги Ўзбекистонда ҳар бир юртдошимизнинг турмуш фаровонлиги таъминланади // https://uza.uz/uz/posts/yangi-ozbekistonda-har-bir-yurtdoshimizning-turmush-farovonligi-taminlanadi_195973.
3. Хужагелдиев А. фуқаролар асаосларини яратишда нодавлат, ноижорат ва ижтимоий ташкилотларнинг роли. Таълим тизимида ижтимоий – гуманитар фанлар. Илмий методологик услубий журнал. Т – 2009. 13 – 15 б.

¹⁶ А. Қожагелдиев. Сиёсий институтларнинг шаклланиши ва ривожланиши (монография). Т-2009. 139-141 б.

4. Арипов Э. Ўзбекистонда ижтимоий сиёсат: тизимли «қайта юклаш» ва янги имкониятлар // <http://xs.uz/uzkr/post/ozbekistonda-izhtimoiij-siyosat-tizimli-qajta-yuklash-va-yangi-imkoniyatlar>.
5. А.Кожаягелдиев – Сиёсий институтларнинг шаклланиши ва ривожланиши. Т – 2009, 28 – 30 б.
6. Мустақил Ўзбекистон тарихи. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Учинчи китоб. Тузувчилар Н.Жўраев., Т.Файзуллаев. –Т.: Шарқ, 2000. –Б. 116.
7. Бухорода 8 минг 140 та оила “Темир дафтар”нинг янгиланган рўйхатига киритилган // https://uza.uz/uz/posts/buxoroda-8-ming-140-ta-oila-temir-daftarning-yangilangan-royxatiga-kiritilgan_196015.